

СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ВИДЕОМАТЕРИАЛЛАРНИ ЮБОРГАН ШАХСЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ.

Ражапов Усмонбек Умарбек ўғли

*Хоразм вилояти Адлия бошқармаси Кўшкўпир тумани юридик хизмат кўрсатиши
маркази бош юристконсулти*

Аннотация: Ушбу мақолада ҳуқуқбузарлик видеотехника воситалари орқали қайд этилиб, 48 соатда Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги инспекция сайтига жўнатилиши кераклиги тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Сув хўжалиги, ҳуқуқбузарлик, видеотасвир, назорат инспекцияси, сув истеъмоли тартиби, такрорий маъмурий ҳуқуқбузарлик рағбатлантириши.

Ҳукумат қарори (352-сон, 07.06.2025 й.) билан “Жисмоний шахслар томонидан қайд этилган сув хўжалиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш тартиби ҳақида”ги низом тасдиқланди.

Низом Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 74-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга нисбатан татбиқ этилади.

Шахслар ҳуқуқбузарликни видеотехника воситалари орқали қайд этиб, 48 соатда Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига (Инспекция) "v-nadzor.gov.uz" веб-сайти орқали юборади.

Фото ва видеоматериалларда қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

- содир этилган ҳуқуқбузарлик;
- ҳуқуқбузарлик содир этган шахс тўғрисидаги маълумотлар (агар мавжуд бўлса);
- ҳуқуқбузарлик содир этилган манзил, аниқланган сана ва вақт.

Қоида тариқасида, фото ва видеоматериалларнинг давомийлиги 120 сониядан ошмаслиги лозим.

Фото ва видеоматериаллар 10 кун муддатда Инспекциянинг масъул ходими томонидан кўриб чиқилади.

Ҳуқуқбузарлик 1-маротаба содир этилган бўлса, ҳуқуқбузарга сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби (қоидалари) такроран бузилишининг олдини олишга қаратилган тавсиялар юборилади.

Маъмурий жазо чораси қўлланигандан кейин 1 йил давомида ҳуқуқбузарлик такроран содир этилган тақдирда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган миқдорларда жарима солишга сабаб бўлади.

Фото ва видеоматериалларни юборган шахслар ҳуқуқбузардан ундирилган жарима ҳисобидан БХМнинг 25 фоизи миқдорида пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Рағбатлантириш жарима ундирилган кундан бошлаб 15 кун муддатда амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар

Ҳукумат қарори (352-сон, 07.06.2025 й.) билан “Жисмоний шахслар томонидан қайд этилган сув ҳўжалиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фотосуратлар ва (ёки) видеоёзувларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш тартиби ҳақида”ги низом.